



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 18-dekabr • Shanba • 148 (31.268) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.Т.Мирзаевни Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Зойир Тоирович Мирзаев Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў.И.Барноевни Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Ўқтам Исоевич Барноев Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 декабрь

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 17 декабрь куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Самарқанд замини хусусида сўз юритганда, биз унинг қадимийлиги, дунёдаги энг кўна ўлкалар қаторида туриши, шу билан бирга, гўзал ва баъкорор табиати, умумбашарий цивилизация ривожига қўшган беқиёс ҳиссаи ҳақида, улуғ мутафаккир зотлар, олим муфаллолар ва жасур саркардалар ҳақида гапиришимиз одат тусига кириб қолган, деди Ўртбошимиз. Лекин бугун Самарқанд воҳасининг ана шундай буюқ тарихини яна бир марта эътироф этган ҳолда, вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари, унинг улкан сарҳадлари, бундай ноёб имкониятларини ишга солиш ва уларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ишлатиш хусусида фикр юритишимиз айни муддао бўлади. Бунда, авваламбор, бу соҳада қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараш ва ҳолисона баҳо бериш асосий вазифамиз бўлиши керак. Ўз фаолиятимизга чуқур ва атрофлича баҳо бермасдан, бой берилган имкониятларни тўғри таҳлил қилмасдан ва тегишли хулосаларни чиқармасдан туриб, ҳаммамиз яхши тушунамизки, бошланган ишларимизни давом эттириш, энг муҳими, ҳар қайсимиз ўз жойимизда халқимизнинг бизга билдирган ишончини оқлашимиз қийин бўлади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: Самарқанд вилояти, шу юртда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон оксоқлар қаторида бўлмаган, доимо илгорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, лунда қилиб айтганда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 112 фоизга ўсган, sanoatda 116 фоиз,

қишлоқ хўжалигида 108,5 фоиз, қурилиш соҳасида 140 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят меҳнатқашлари пахта ва галла, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам шартнома режаларини муваффақиятли адо этиб, Самарқанд деҳқонларининг миришқорлик фазилатларини амалда намоён этиб келмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида бу азим шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг 5-10 йил бурунги қиёфаси, тангу тор кўчалари, режасиз, пала-партиш қурилган кўримсиз биноларини Самарқанднинг бугунги манзараси билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Хусусан, Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш учун катта сармоя жалб қилиниб, бу ерда бажарилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган, гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар Самарқанддаги темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди.

Айни вақтда 14 миллиард 700 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланди. Жами 450 та объектда, жумладан, 42 та кўп қаватли уй, 165 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси, 60 та ижтимоий соҳа объекти, бир қатор маъмурий ва хусусий турар-жой биноларида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар маблағлари, банкларнинг кредити ҳисобидан қарийб 152 миллиард сўм сарфланди.

(Давоми 2-бетда)

Фракция фаолияти



Касаначилик асосидаги меҳнатнинг ҳуқуқий асослари такомиллашади

Ававал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» ҳақидаги масала парламент эшитиш тартибда кўриб чиқилди.

Йиғилишда Давлат солиқ қўмитаси, Ўзстандарт агентлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзбекнеғилсаноат» уюшмаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Ўзбекистон касабачи уюшмалари федерацияси вакиллари иштирок этди. Мавзу юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимухамедов ҳамда иқтисодий ва-

зирининг ўринбосари Рустам Шоабдурахмоновнинг ахборотлари тингланди.

— Касаначиликни ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш, оила даромадини оширишда муҳим аҳамиятга эга, — деди Ботир Алимухамедов. — Айниқса, ижтимоий муҳофазани таъминлаш, ногиронлар ва аёллар учун уй-рўзгор ишлари, фарзанд тарбиясидан узилмай меҳнат қилиб, даро-

мад топиш имконини берувчи бандликнинг амалий шаклларидан биридир.

Президентимизнинг «Йирик sanoat korxonalari bilan kasanchilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chiqarish va xizmatlar urtasida kooperatsiyani kengaytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari tuzgusida» gi Farmonga binoan sanoat korxonalarida kasanchilik mehnatini ijlga kuyish maqbul tizimiga aylandi.

Бу борада қабул қилинган фармонлар ва қарорлар соҳани ривожлантиришга кенг йўл очди. Касаначилик меҳнатини нафақат йирик sanoat korxonalari, balki iqtisodiyotning boshqa tarmonlari, transport, aloqa, qurilish va qurilish in-

дустрияси korxonalari, shuningdek, kichik sanoat korxonalarida ham joriy etishga shart-sharoit yaratildi.

Оилавий бюджет даромадларини ошириш, банд бўлмаган фуқароларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш ва миллий хунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолиш учун оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандчилик билан шуғулланаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш яхши самара бермоқда. Хунармандчилик ҳам касаначилик сифатида эътироф этилди.

→2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2010 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан парламентга берилган ваколатларга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни эшитди. Ушбу масала юзасидан молия вазири ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Б.Иминов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим

вазифаларидан биридир, шу сабабли Олий Мажлис куйи палатасининг депутатлари бу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳисобот дастлабки тартибда иختисослашган қўмитанинг, сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида Молия вазири, мамлакатимиз бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

(Давоми 3-бетда)

Фаровонлик муаммолар ечимига боғлиқ

→3

Сессия кун тартибига масала киритган ЎзХДП депутатлик гуруҳи, сессияни олиб борган, сўзга чиққанлар, ҳатто залдан туриб савол берган депутат ҳам ХДП вакиллари. Шундай экан, ЎзЛиДеП наشري мухбири бунни очик айтмай, ҳамма депутатларни жим ўтирганликда айблаши ноҳолислик эмасми?

Муносабат

Мен Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон жанубида содир этилган этник конфликтларнинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаш борасидаги позициясини қўллаб-қувватлайман.

Июнь ойи бошларида Ўш ва Жалолободда содир этилган қонли тўқнашууда бу ерда яшовчи қирғизларни ҳам, ўзбекларни ҳам айбдор қилиб бўлмайди. Қарама-қаршилик ташкил деструктив, айирмачиликдан манфаатдор бўлган кучлар томонидан атай алаenga олдирилган. Бу борада Ислон Каримовнинг Москвада Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилотиде сўзлаган нутқиға тўла қўшиламан. Ушбу қонли воқеаларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари, қолаверса, ижрочилари кимлар эканини аниқлаш ва шундан сўнг у ёки бу чораларни кўриш шарт.

Мелисбек МЫРЗАҚМАТОВ,
Ўш шаҳри мэри, Қирғизистон.

O'zbekiston havfi yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI


Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Соғлом турмуш тарзи

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз»



Жиззах туманидаги «Куламали» маҳалласида истиқомат қилувчи Собировлар оиласини спортчилар оиласи деб таърифлашади.

Қуръа ташланди



Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакатимиз XX миллий чемпионати учрашувларига қуръа ташланди.

Ахборот

Санъат шайдоларига совға

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Барқамол авлод йилида Хоразмда

Хозир бу масканда анъанавий мусиқа йўналишлари бўйича 174 нафар санъат ихлосманди тахсил олаётди.



Рузимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, болалар ўртасида профилатик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Диққат: «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланди

Шунга қарамай, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳамон юқориликда қолмоқда. Жумладан, 2010 йилнинг 11 ойи мобайнида республикада йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, оқибатда 1945 нафар киши ҳалок бўлган, 10406 нафар фуқаро турли даражада жароҳатланган.

Жорий йилнинг ўн бир ойи давомида йўл ҳаракати хизмати ходимлари томонидан 4305395 та (тўрт миллион уч юз беш минг уч юз тўқсон бешта) қондабузарлик аниқланди.



«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»га риоя этилишини ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, маҳалла посбонлари, тиббиёт ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, рейдлар ўтказилади.

Солиқ тизимида

Ноқонуний фаолиятга чек қўйилмоқда

Ҳар қуни янги кийим-кечак сотиб олишга эҳтиёж ҳам, имконият ҳам бўлавермайти. Бироқ сотиб олганимиз сифатсиз чиқса-чи?

Кейинги йилларда сифатсиз, ноқонуний товарларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бироқ шунга қарамай, тадбиркорлар орасида ҳамон ноқонуний фаолиятга қўл ураётганлар учраб турибди.

лар қонуний чора кўриш учун тегишли органларга юборилган бўлса, 41,8 миллион сўмлик ашёлар бўйича суриштирув олиб борилмоқда. 265,4 миллион сўмлик товарларга оид ҳужжатлар Жиноят ишлари бўйича шаҳар судига юборилди.

Семинар

Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида «Қийин ёнувчан материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммолари» мавзусида илмий семинар бўлиб ўтди.

Қийин ёнувчан материаллар ишлаб чиқариш

Унда ЎзРФА Кимё ва физика полимерлари институти, илмий-тадқиқот марказларининг етакчи олимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва ИИВ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси маъсул ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Table with administrative and contact information for 'BOSH MUHARRIR: SAFAR OSTONOV' and other editorial staff. Includes sections for MUASSIS, BO' LIMLAR, VILOYAT MUXBIRLARI, and MANZILIMIZ.